

INTERNATIONAL JOURNAL ALISHER NAVOIY



VOLUME 6
ISSUE 1 2026

ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALI

6-JILD, 1-SON

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ АЛИШЕР НАВОИЙ
ТОМ-6, НОМЕР-1

INTERNATIONAL JOURNAL ALISHER NAVOIY
VOLUME-6, ISSUE-1



ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALI

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ АЛИШЕР НАВОИЙ | INTERNATIONAL JOURNAL ALISHER NAVOIY

№1 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-1419-2026-1>

BOSH MUHARRIR: | ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР: | CHIEF EDITOR:

MIRZAYEV IBODULLA
f.f.d., professor (O'zbekiston)
МИРЗАЕВ ИБОДУЛЛА
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
MIRZAYEV IBODULLA
DSc, professor (Uzbekistan)

**BOSH MUHARRIR O'RINBOSARI: | ЗАМЕСТИТЕЛЬ
ГЛАВНОГО РЕДАКТОРА: | DEPUTY CHIEF EDITOR:**

JABBOROV NURBOY
f.f.d., professor (O'zbekiston)
ЖАББОРОВ НУРБОЙ
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
JABBOROV NURBOY
DSc, professor (Uzbekistan)

TAHRIRIY HAY'ATI:

Muhiddinov Muslihiddin

f.f.d., professor (O'zbekiston)

Dilorom Salohiy

f.f.d., professor (O'zbekiston)

Sodiqov Qosimjon

f.f.d., professor (O'zbekiston)

Binnatova Almaz Ulvi

f.f.d., professor (Ozarbayjon)

To'xliyev Boqijon

f.f.d., professor (O'zbekiston)

Shodmonov Nafas

f.f.d., professor (O'zbekiston)

Asadov Maqsud

f.f.d., dotsent (O'zbekiston)

Yo'ldoshev Qozoqboy

f.f.d., professor (O'zbekiston)

Jo'raqulov Uzoq

f.f.d., professor (O'zbekiston)

Funda Toprak

f.f.d., professor (Turkiya)

Nabiulina Guzal

f.f.d., professor (Tatariston)

Yusupova Dilnavoz

DSc, professor (O'zbekiston)

Sirojiddin Xo'jaqulov

f.f.d., professor (O'zbekiston)

Rahim Ibrohim

f.f.d., professor (Afg'oniston)

Turobov Abdurahim

f.f.d., professor (O'zbekiston)

Muhitdinova Badia

DSc, professor (O'zbekiston)

Muhammadiyev Ahadjon

DSc, dotsent (O'zbekiston)

Suvonova Jumagul

f.f.n., dotsent (O'zbekiston)

Mirzayev Rahmatilla

y.f.n., dotsent, huquqshunos (O'zbekiston)

Abdullayeva Albina

f.f.n., dotsent (O'zbekiston)

Nurova Gulchehra

f.f.n., dotsent (O'zbekiston)

Sultanov Tulkin

PhD, dotsent (O'zbekiston)

Ubaydullayev Normuhammad

PhD, dotsent (O'zbekiston)

Ruzmanova Roxila

dots., mas'ul kotib (O'zbekiston)

Narziyeva Ma'mura

PhD, kotib (O'zbekiston)

ILMIY MASLAHAT KENGASHI

Xalmuradov Rustam

t.f.d., professor (O'zbekiston)

Sirojiddinov Shuhrat

f.f.d., professor (O'zbekiston)

Eshqobil Shukur

O'zbekiston Respublikasida

xizmat ko'rsatgan madaniyat

xodimi, shoir (O'zbekiston)

Rixsiyeva Gulchehra

f.f.d., professor (O'zbekiston)

Benedek Peri

f.f.d., professor (Vengriya)

Olimov Karomatillo

f.f.d., professor (O'zbekiston)

Dadaboyev Hamidulla

f.f.d., professor (O'zbekiston)

Shomusarov Shorustam

f.f.d., professor (O'zbekiston)

Dyu Rye Andre

f.f.d., professor (Fransiya)

Hamroyev Juma

f.f.d., professor (O'zbekiston)

Aftondil Erkinov

f.f.d., professor (O'zbekiston)

Hasanov Shavkat

f.f.d., professor (O'zbekiston)

Umurova Go'zal

f.f.d., professor (O'zbekiston)

Xalliyeva Gulnoz

f.f.d., professor (O'zbekiston)

Alim Labib

f.f.d., professor (Afg'oniston)

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Мухиддинов Муслихиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дилором Салохий
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Содиков Косимжон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Биннатова Алмаз Улви
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Тухлиев Бокижон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Шодмонов Нафас
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Асадов Максуд
д.ф.н., доцент (Узбекистан)

Юлдашев Казакбай
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Журакулов Узок
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Фунда Топрак
д.ф.н., профессор (Турция)

Набиуллина Гузаль
д.ф.н., профессор (Татаристан)

Юсупова Дилнавоз
DSc, профессор (Узбекистан)

Сирожиддин Хужакулов
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Рахим Иброхим
д.ф.н., профессор (Афганистан)

Туробов Абдурахим
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мухигдинова Бадиа
DSc, профессор (Узбекистан)

Мухаммадиев Ахаджон
DSc, доцент (Узбекистан)

Сувонова Жумагул
к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Мирзаев Рахматилла
к.ю.н., доцент (Узбекистан)

Абдуллаева Альбина
к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Нурова Гулчехра
к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Султанов Тулкин
PhD, доцент (Узбекистан)

Убайдуллаев Нормухаммад
PhD, доцент (Узбекистан)

Рузманова Рохила
доц., отв. секретарь (Узбекистан)

Нарзиева Мамура
PhD, секретарь (Узбекистан)

НАУЧНО-КОНСУЛЬТАТИВНЫЙ СОВЕТ:

Халмурадов Рустам
д.т.н., профессор (Узбекистан)

Сирожиддинов Шухрат
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Эшқобил Шуккур
Заслуженный работник культуры Республики Узбекистан, поэт (Узбекистан)

Рихсиева Гулчехра
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Бенедек Пери
д.ф.н., профессор (Венгрия)

Олимов Кароматилло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дадабаев Хамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Шомусаров Шорустам
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дю Рье Андре
д.ф.н., профессор (Франция)

Хамроев Джума
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Афтондил Эркинов
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Хасанов Шавкат
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Умурова Гузал
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Халлиева Гулноз
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Алим Лабиб
д.ф.н., профессор (Афганистан)

EDITORIAL BOARD:

Mukhiddinov Muslikhiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Dilorom Salokhiy
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Sodikov Kosimjon
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Binnatova Almaz Ulvi
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Tukhliev Bokijon
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Shodmonov Nafas
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Asadov Makhsud
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Yuldoshev Kozokboy
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Jurakulov Uzok
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Funda Toprak
DSc, prof. (Türkiye)

Nabiulina Guzal
DSc., prof. (Tatarstan)

Yusupova Dilnavoz
DSc, prof. (Uzbekistan)

Sirojiddin Khujakulov
DSc, prof. (Uzbekistan)

Rakhim Ibrokhim
DSc, prof. (Afghanistan)

Turobov Abdurakhim
DSc, prof. (Uzbekistan)

Mukhitdinova Badia
DSc, prof. (Uzbekistan)

Mukhammadiyev Akhadjon
DSc, assoc. prof. (Uzbekistan)

Suvonova Jumagul
PhD, assoc. prof. (Uzbekistan)

Mirzayev Rahmatilla
PhD, assoc. prof. (Uzbekistan)

Abdullayeva Albina
PhD, assoc. prof. (Uzbekistan)

Nurova Gulchekhra
PhD, assoc. prof. (Uzbekistan)

Sultanov Tulkin
PhD, assoc. prof. (Uzbekistan)

Ubaydullayev Normuhammad
PhD, assoc. prof. (Uzbekistan)

Ruzmanova Rokhila
Assoc. prof., Exec. Sec. (Uzbekistan)

Narziyeva Ma'mura
PhD, Secretary (Uzbekistan)

SCIENTIFIC ADVISORY BOARD:

Khalmuradov Rustam
Doc. of technic. scien., prof. (Uzbekistan)

Sirojiddin Shukhrat
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Eshqobil Shukur
Honored Worker of Culture of the Republic of Uzbekistan, poet (Uzbekistan)

Rikhsieva Gulchekhra
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Benedek Peri
Doc. of philol. scien., prof. (Hungary)

Olimov Karomatullo
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Dadaboev Khamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Shomusarov Shorustam
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Dyu Rye Andre
Doc. of philol. scien., prof. (France)

Khamroev Juma
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Aftondil Erkinov
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Khasanov Shavkat
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Umurova Guzal
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Khallieva Gulnoz
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Alim Labib
Doc. of philol. scien., prof. (Afghanistan)

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

NAVOIY VA ADABIY TA'SIR MASALALARI

1. Афтондил ЭРКИНОВ АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЭРОН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ.....	7
2. Sherxon QORAYEV O'ZBEK XONLIKLARIDA NAVOIYXONLIK TENDENSIYALARI (XIVA XONI MUHAMMAD RAHIMXON FERUZNING "NAVOIYXONLIK" KECHALARI MISOLIDA)...	15
3. Nigora TO'XTAQULOVA ALISHER NAVOIY HIKOYALARINING FOLKLOR BILAN BOG'LANISHI ("MAJOLIS UN-NAFOIS" TAZKIRASI MISOLIDA).....	21
4. Jumagul SUVONOVA ALISHER NAVOIY VA ABDULLA ORIPOV IJODIDA TARBIYAVIY G'OYALAR UZVIYLIGI AN'ANA VA ZAMON TALQINIDA.....	30
5. Zulfiya RASULOVA UZBEKSKO-TADJIKSKIE LITERATURNYE SVYAZI XX VEKA.....	37
6. Sitara QODIRQULOVA ALISHER NAVOIY LIRIKASI TARJIMONI ALEKSANDR NAUMOV HAQIDA.....	43

NAVOIY NASRI VA NAZMI NAFOSATI


1. Shavkat YANGIBOYEV "ILK DEVON" SHE'RLARINING ALISHER NAVOIYNING BOSHQA DEVONLARIGA JORIYLANISHI.....	48
2. Shaxnoza KAXXAROVA ALISHER NAVOIYNING "HOLOTI SAYYID HASAN ARDASHER" MANOQIBIDA KOMIL INSON TALQINI.....	58
3. Sherxon QORAYEV ALISHER NAVOIY "OLIIY MAJLISLARI" VA NADIMLARI.....	70
4. Umida OTAYAROVA "XAMSA"LARNING SO'NGGI DOSTONLARIDA ILM-MA'RIFAT TALQINI.....	79
5. Dilfuza RAXMATOVA NAVOIY G'AZALLARIDA SOLETSIZMNING LINGVOPOETIK XUSUSIYATLARI.....	85
6. Dilafro'z TAMIKAYEVA ALISHER NAVOIY ASARLARI TILI VA UNI TADQIQ ETISH MASALALARI.....	92

NAVOIY VA TILSHUNOSLIK MASALALARI

1. Umida UBAYDULLAYEVA TILSHUNOSLIKDA LISONIY MANZARA KONSEPSIYASINING SHAKLLANISHI VA ILMIY TALQINLARI.....	99
2. Rustamjon JABBOROV BOBURIYLARNING TURKIY TIL VA ADABIYOT RIVOJIGA QO'SHGAN HISSASI.....	105

TAQRIZ, TAHLIL VA TARJIMA

1. Iroda ISHONXANOVA O'ZBEK ADABIYOTI YO'LBOSHCHISIGA BAG'ISHLANGAN NASHR.....	112
2. Roxila RUZMANOVA TURK DUNYOSINING YIRIK TADQIQOTCHISI.....	122



NAVOIY VA ADABIY TA'SIR MASALALARI


Афтондил ЭРКИНОВ,

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: aftandilerkinov@gmail.com

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЭРОН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

For citation: Erkinov Aftondil. IRANIAN MANUSCRIPTS OF 'ALĪ SHĪR NAVĀ'Ī'S WORKS. Alisher Navoi. 2026, vol. 6, issue 1.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.19412089>

АННОТАЦИЯ

Мазкур сатрлар муаллифи 2018 йилдан бери “Алишер Навоий қўлёмалари бутунжаҳон феҳрести”ни яратиш устида ҳамкорлари билан фаолият олиб бормоқда. Алишер Навоийнинг Эрондаги қўлёмалари асарларини ўрганиш ҳам айна жараёндаги ишларнинг бир қисмини ташкил этади. Навоий асарларининг Эрон қўлёмалари ҳақида турли каталог ва нашрларда муайян маълумотлар мавжуд. Шу билан бирга қилинажак ишлар анча. Юртимиздаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий меросни ўрганиш бўйича изланишлар ва Ўзбекистон навоийшунос олимларининг Алишер Навоий халқаро жамоат фонди ташаббуси билан 2024 йили Эрон Ислом Республикасига амалга оширган илмий сафари натижасида Навоийнинг Эрон қўлёмалари ҳақидаги маълумотлар бойиди.

Калит сўзлар: Алишер Навоий, қўлёмалар, феҳрест, каталог, Эрон сафари, Эрон кутубхоналари.

Афтондил ЭРКИНОВ,

Ташкент, Ўзбекистон

E-mail: aftandilerkinov@gmail.com

ИРАНСКИЕ РУКОПИСИ ПРОИЗВЕДЕНИЙ АЛИШЕРА НАВОИ

АННОТАЦИЯ

С 2018 года автор статьи принимает участие в многолетнем исследовательском проекте по подготовке «Всемирного каталога рукописей Алишера Навои», который предполагает, в том числе, систематическое изучение иранских списков произведений поэта. Несмотря на наличие определённых сведений об этих рукописях в каталогах и научных публикациях, многие аспекты их состава, происхождения и бытования до настоящего времени остаются неясными. Существенный вклад в уточнение и дополнение сведений об иранских рукописях Навои внесла исследовательская поездка узбекских навоиедов в Исламскую Республику Иран в 2024 году, осуществлённая по инициативе Международного общественного фонда

Алишера Навои и ставшая частью более масштабной программы по изучению культурного наследия Узбекистана за рубежом.

Ключевые слова: Алишер Навои, рукопись, каталог, поездка в Иран, Иранские библиотеки.

Aftandil ERKINOV

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: aftandilerkinov@gmail.com

IRANIAN MANUSCRIPTS OF ‘ALĪ SHĪR NAVĀ’Ī’S WORKS

ANNOTATION

Since 2018, the author of this article has been involved in a long-term research project aimed at compiling the “World Catalogue of ‘Alī Shīr Navā’ī’s Manuscripts”, which includes, among other components, the systematic study of Iranian manuscript copies of the poet’s works. Although catalogues and scholarly publications already provide certain information on these manuscripts, many aspects of their composition, provenance, and transmission remain insufficiently clarified. Significant progress in expanding and refining the data on Navā’ī’s Iranian manuscripts was made through a research trip undertaken by Uzbek Navā’ī scholars to the Islamic Republic of Iran in 2024. Conducted at the initiative of the ‘Alī Shīr Navā’ī International Public Foundation, this fieldwork formed part of a broader program devoted to the study of Uzbekistan’s cultural heritage preserved abroad.

Keywords: ‘Alī Shīr Navā’ī, manuscript sources, catalogue, trip to Iran, Iranian libraries.

Алишер Навоийнинг Эрон қўлёзмалари шоир мероси қўлёзмалари ичида ўзига хос ўринга эга. Уларнинг бир қисмига оид маълумотлар хорижий ва Ўзбекистонда нашр қилинган каталог ва реестрларда қисман келтирилган. Масалан, “Ўзбекистонга оид хориждаги қўлёзма асарлар реестри” китобининг уч жилди нашрини Навоий қўлёзмалари йўналишдаги муҳим манба деб ҳисоблаш мумкин (бу ҳақда мақоламизнинг қуйи қисмида маълумот келтирамыз). Кейинги вақтда айти йўналишдаги маълумотлар кўпаймоқда. Бунда Ўзбекистон олимларининг ҳиссаси катта.

2024 йил 11-18 февраль кунлари Алишер Навоий халқаро жамоат фонди (фонд раҳбари Олим Давлатов) ташаббуси билан бир гуруҳ навоийшунос олимлар, зиёлилар Эрон Ислом Республикасига сафарда бўлиб қайтди. “Алишер Навоий қадамжолари изидан” номли халқаро илмий экспедицияда навоийшунос олимлар, ёзувчи ва журналистлар иштирок этишди [Давлатов, 2024, 2]. Булар: филология фанлари докторлари Қосимжон Содиков, Боқижон Тўхлиев, Афтондил Эркин, Дилнавоз Юсупова, филология фанлари номзодлари Олим Давлатов, Каромат Муллахўжаева, Ўзбек миллий мақом санъати маркази бош директори, санъатшунослик фанлари номзоди Сойибжон Бегматов ва Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам.

Мақсад ва натижалар

Тилга олганимиз “Алишер Навоий қадамжолари изидан” номли халқаро илмий экспедицияси аъзолари сафар давомида улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий билан боғлиқ жойларни зиёрат қилдилар. Айти вақтда, илмий, таълим ва маданий соҳаларда керакли келишувлар амалга оширилди. Булар сирасида Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди ва Эроннинг бир неча университетлари билан имзоланган ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги меморандумлар, Эронда ўзбек тилини ўқитиш ва ўзбекчадан форсчага бадиий ва илмий асарларни таржима қилувчи таржимонлар тайёрлашга келишувларни қайд этиш мумкин. Яна Эрон Миллий кутубхонасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон маданияти ва санъати бурчагини очишга ҳамда Нишопур шаҳрида Нишопур университети билан биргаликда “Навоий ва Аттор” мавзuida халқаро илмий конференция ўтказишга келишилди. Машҳад шаҳрида жойлашган Китобхонаи Остони Қудс Разавий кутубхонасидаги туркий қўлёзмалар

каталогини тузиш ҳамда мазкур кутубхона туркий қўлёзма манбалари электрон нусхасларини айрибошлаш бўйича музокалар амалга оширилди.

Таассуротлар

Экспедициянинг мақсадларидан бири Эрондаги Навоий асарлари қўлёзмаларини аниқлаш ва улар таркиби билан танишиш эса-да, олинган таассуротлар мақсадлардан кўпроқ ва кенгроқ бўлди. Шахсан менда мазкур сафар илмий ва маданий жиҳатдан катта таассурот қолдирди. Эрон – қадимий маданий анъаналарини сақлаб келаётган модерн мамлакат. Бу юртдаги ҳар бир зиёли, ўрни келса, оддий фуқаро ёддан шеър билади. Форс адабиётидан зарур даражада бохабар. Делегациямизнинг турли олий таълим ва маданий марказлардаги учрашувлари вақтида биз томондан Алишер Навоий халқаро жамоат фонди раҳбари Олим Давлатов форс тилида форс шеърятни классикларидан бирор бир шеърни ўқиса, эронликлар шеърни жилмайиб кутиб олдилар ёки пичирлаб бўлса-да, шу форсий шеърини парчаларни қўшилишиб ёддан ўқидилар. Қизиғи шундаки, мана шу шеърларни ёддан овозсиз қўшилиб ўқиётган эронликларнинг ҳаммаси ҳам адабиётшунос олим ёки гуманитар соҳаси вакили эмасди. Афтидан, бу мамлакатда мумтоз адабиёт шоирлари шеърларини ёддан билиш ва умумуман шеърини билимдонлик ҳамма учун табиий бир ҳол бўлиб келяпти. Гап эронликларда ўз форс адабиётларидан кўплаб шеърларни ёдлаб қолиш қобилияти мавжудлигидагина эмас, балки халқнинг ўз меросига муҳаббат ва эҳтиромида ҳамдир.

Мазкур экспедициядан мақсад катта эди. Биз Ўрта Осиё ва Эрон маданияти, тарихи ўртасида асрий алоқалар мавжудлиги, тарихимиз, маданиятимиз ва адабиётимиз чамбарчас чамбарчас боғланганлигини яхши биламиз. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Ўрта Осиёдаги туркий ва форсий адабиётлар, ўзбек мумтоз адабиётининг форс-тожик адабиёти билан боғланганлиги бизга яхши маълум. Форс тилида шеър ёзиш анъанаси бир неча юз йиллар давомида, масалан, Усмонлилар империясидан то Жанубий Осиёдаги давлатларгача ёйилган эди. Шу маънода бизнинг туркий адибларимиз ҳам ўз тилларидан ташқари форс тилида ҳам шеър ёзишган. Бу ўша давр анъанаси эди. Ўз пайтида туркий шеърят ривожини учун жуда катта ҳисса қўшган Алишер Навоий туркий тилдаги салмоқли асарларидан ташқари форс тилида ҳам Фоний таҳаллуси остида шеърлар ёзган. Уларни жамлаб “Девон Фоний” номли девон тартиб берган. Ўрта асрларда араб ва форс тилларининг ўрни жуда катта бўлган. Ўрта Осиёда ислом дини бўйича кўплаб илмий асарлар форс тилида ёзилган. Мана шундай жиҳатдан олиб қараганда, Эрон билан ўз вақтда мавжуд бўлган маданий ва адабий алоқаларнинг эндиликда кучайиши, янги Ўзбекистонда йўлга қўйилиши тарихий жараённинг янги босқичи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Навоийнинг Эрон қўлёзмалари

Шуни таъкидлаш керакки, атоқли шоиримиз Алишер Навоийнинг маълум бир даврдаги ҳаёти ҳозирги Эрон тарихи билан ҳам боғлиқ бўлган. Навоийнинг болалик чоғларида унинг отаси бугунги Эроннинг Сабзавор шаҳрида ҳоким бўлган. Балки шу боисдир, Алишер Навоий туркий тилда ижод қилган бўлса-да, унинг асарлари қўлёзмалари Эроннинг турли кутубхоналарида кўп нусхаларда сақланиб келинмоқда. Навоий қўлёзмаларининг асл нусхаларини кўриш эса биз навоийшунос олимларнинг илмий сафарларида муҳим аҳамият касб этади. Шу ва шу каби Навоий қўлёзмаларни аслиятда кўриш учун ҳам “Алишер Навоий қадамжолари изидан” номли халқаро илмий экспедицияси аъзоларининг Эронга илмий сафари муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда бир қатор олимлар билан ҳамкорликда “Алишер Навоий асарлар бутунжаҳон феҳрести”ни тузиш йўналишида муайян ишлар амалга ошириляпти. Бунинг учун дунёнинг турли қўлёзма фондларига бориш ёки хориждаги қўлёзмалар захираларида сақланувчи Навоий асарлар қўлёзмаларига оид маълумотлар тавсифланган феҳрестларига суяниб маълумот тўплаш бўйича фаолият олиб борилмоқда [Сулейманов, 1955-1961; Ўзбекистонга оид хориждаги, 2020; 2024]. Мақсадимиз, Алишер Навоий қўлёзмалари бутунжаҳон феҳрести яратиш [Эркинов, 2018; Эркинов, 2022]. Бу анча мураккаб жараён бўлиб, бутун дунёдаги кутубхона ва музейлардан маълумот тўплаш вақт ва катта ҳаракат талаб этади. Алишер Навоий асарлари қўлёзмаларининг янги нусхаларини аниқлаш давом этмоқда

[Erkinov, 2024]. Ҳозиргача Туркияда Навоий асарлари қўлёзмалари кўп нусхаларда учрашини айтиш мумкин эди. Эндиликда улар ёнига Эрон ҳам қўшиш мумкин. Ҳозиргача Эрондаги туркий қўлёзмалар масаласида доктор Шоди Ойдин (Sadi Aydın) томонидан нашр этилган “Эрон кутубхоналаридаги туркий қўлёзмалар каталоги”даги маълумотларга суяниб келганмиз [Aydın, 2008; Derayati, 2010, 792]. Мазкур каталог, айниқса, Эрондаги Навоий асарлари қўлёзмалари ҳақида жуда муҳим маълумотларга эга. Айни пайтда, Эрондаги қўлёзма фондларидан Навоий асарлари қўлёзмаларининг янгидан нусхалари ҳам аниқланмоқда ва мазкур ишларда эронлик олимлар ҳиссаси ҳам бор. Юртимиз олимлар ҳам Эрондаги Навоий қўлёзмалар асосида тадқиқотлар олиб бормоқдалар [Махмудов, 2022; Izzatillaev, 2023].



1-расм. Мақоладаги Эрон Миллий кутубхонасида сақланаётган Навоий девони қўлёзмаси

Масалан, яқинда “Алишер Навоий. Терма девон (1501 йил, май) Тадқиқот ва матн” номли китобни нашр этдик [Эркинов. Терма девон, 2024; Эркинов, Ноёб топилма, 2024; Эркинов. Алишер Навоий девонининг, 06.02.2024]. Бу китобда Эрон пойтахти бўлмиш Техрондаги Малек кутубхонасида сақланувчи Алишер Навоийнинг 130 та шеъридан таркиб топган кичик бир қўлёзма мажмуага оид илмий фикрлар ва шу шеърларнинг жорий ёзувимиздаги табдили матнлари келтирилган. Қўлёзма Алишер Навоий вафотидан тўрт ой ўтганидан сўнг – 906 йил, шаввол /1501 йил, май охирида қўчириб тугалланган. Мазкур мажмуа 1498 йили тартиб берилиши яқунланган Алишер Навоийнинг тўрт девондан иборат “Ҳазойин ул-маоний”сидан сўнг тузилганлиги ва анча кичик ҳажмга эгалиги сабаб уни шартли тарзда “Навоий 1501 йил “Терма девон”и деб аташ мумкин. Ушбу “Терма девон” “Ҳазойин ул-маоний”дан танлаб олиб тузилган ва Навоий шеърларининг ҳозирча бизга маълум энг дастлабки (1501 йил) кичик бир тўплами эканлиги билан илмий қимматга эга. Демак, Эрон фондларидаги Навоий қўлёзмалари илмий жиҳатдан аҳамиятга эга эканлиги мазкур қўлёзма орқали ҳам намоён бўлмоқда.

Сўнгги йилларда Ойсара Мадалиева ва Саидбек Болтабоевлар Навоийнинг Эрондаги янги қўлёзмаларини аниқлаб, улар бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириб келяптилар [Boltabayev, 2022; Boltabayev, 2023; Madaliyeva, 2022]. Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти катта илмий ходими, филология бўйича фалсафа доктори Ойсара Мадалиева “Бадоеъ ул-бидоя” асарининг Эрондаги Машҳад шаҳри кутубхонасида сақланаётган нусхасини, Туркиянинг Карабук университетида устозлик қилаётган ўзбекистонлик олим, филология бўйича фалсафа доктори Саидбек Болтабоев эса Техрон шаҳридаги Эрон Миллий кутубхонасидаги нусхасини аниқлади. Мана шу қўлёзмаларнинг Машҳаддаги нусхаси 1491 йили, Техрондагиси эса 906/1500-1501 йили кўчирилган. Шу тариқа 2022-2024 йилларда Алишер Навоийнинг Эрон кутубхоналарида сақланувчи уч қўлёзмаси навоийшуносликка олиб кирилди [Erkinov, 2024].

Шу ўринда “Навоий қадамжолари изидан” халқаро илмий экспедициясининг Алишер Навоий асарлари қўлёзмалари бўйича икки энг катта натижасини қайд этиш керак бўлади. Дастлабкиси, юқорида тилга олинган қўлёзмалардан Навоий “Бадоеъ ул-бидоя”сининг 906/1500-1501 йили кўчирилган нусхаси изидан бориб, экспедицияси аъзолари Техрон шаҳрида жойлашган Эрон Миллий кутубхонасига ташриф буюрдилар. Мазкур кутубхона раҳбарияти билан мулоқот чоғида ушбу қўлёзма билан танишиш ниятида эканлигимизни билдирдик. Кутубхона масъуллари бизга айна қўлёзмани кўрсатишди. Биз кутубхона раҳбариятига бу қўлёзманинг навоийшунослик учун аҳамиятини тушунтирдик. Техрон шаҳрида жойлашган Эрон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорликда Навоий “Бадоеъ ул-бидоя”сининг 906/1500-1501 йили кўчирилган қўлёзмаси факсимил нашрини тайёрлаш ва чоп этиш ишларини амалга ошириш ниятида эканлигимизни билдирдик. Кутубхона раҳбарияти ниятимизни қўллаб-қувватлади [Эркинов. Алишер Навоий девонининг, 11.03.2024]. Бундай нашрлари ўзаро маданий алоқаларни кучайтиришини таъкидладилар.



2-расм. А.Эркинов қўлёзма билан танишмоқда

Иккинчи натижа – Машҳад Фирдавсий университети билан ҳамкорликда “Алишер Навоий Эрон қўлёзмалари” номи остида Навоий асарлари қўлёзмаларининг Эронда сақланувчи нусхалари феҳрестини ҳамкорликда тайёрлашга келишувдан иборат бўлди. “Алишер Навоий қадамжолари изидан” халқаро илмий экспедицияси аъзолари Эроннинг Машҳад шаҳрига, Фирдавсий университетига ташриф буюрди. Университет олимлари билан илмий семинар бўлиб ўтди, маърузалар қилинди ва илмий мулоқот амалга оширилди. Жумладан, Эрон музей ва қўлёзма фондларида сақланувчи Алишер Навоий асарлари қўлёзмалари ҳақида эронлик тарихчи олим Қосим Ғариб (Ghasem Gharib) маъруза қилди. Унинг куйидаги маълумотлари диққатга сазовор:

“Алишер Навоий Темурийларнинг сўнги давридаги энг машҳур сиёсатчиларидан бири бўлиб, ўз даврида кўплаб асарлар ёзиб қолдирган таниқли ижодкор шахсдир. Навоийнинг кўплаб қўлёзма китоблари Ўзбекистон, Эрон, Туркия ва Афғонистонда нашр этилган. Бироқ, бу китобларнинг ноширлари ўзлари чоп этган асарларни барча қўлёзмалар билан қиёслаш ишларини олиб бора олмаганлар. Балки, улар Навоий қўлёзмаларининг бошқа кутубхоналарда мавжудлигидан етарли даражада хабардор бўлмаганлар ёки улардан фойдаланиш имконияти чекланган бўлган. Шу сабабли Навоий асарлари нашрларининг баъзилари бошқа қўлёзмалар асосида қайта кўриб чиқилиши керак. Қолаверса, Навоий асарлари турли қўлёзма мажмуаларда тарқоқ ҳолатда мавжуд бўлиб, бу қўлёзмалар ҳозиргача ҳам нашр этилмаган. Эрон кутубхоналарида Алишер Навоий қўлёзма асарларининг жами 258 нусхаси сақланади. Шулардан 200 тасида Навоийнинг алоҳида асарлари келтирилган. Қолган 58 тасида турли қўлёзма тўпламлар таркибидан ўрин олган Навоий шеърлари киритилган тўпламлардан иборат. Навоий асарлари қўлёзмаларининг энг кўп нусхалари Эроннинг Техрон, Машҳад, Табриз ва Қум шаҳарларида сақланади. Техрондаги Навоий асарлари қўлёзмалари энг кўп миқдори Миллий кутубхона, Мажлис кутубхонаси, Гулистон саройи ва Малек кутубхонасига тегишли. Машҳаддаги Остон Қудс Разавий кутубхонаси, Табриздаги Табриз Миллий кутубхонаси ва Қум шаҳридаги Мараший кутубхонасида Навоий асарлари қўлёзмаларининг энг кўп миқдори сақланади. Навоий асарлари ичида қўлёзмаларда кўп учрайдиганлари сифатида “Девони Навоий”, “Хамса-йи Навоий” ва “Мажолис ун-нафоис” асарларини тилга олиш ўринли”.

Ўз маърузаси сўнгида Қосим Ғариб Алишер Навоий асарларининг барча қўлёзмаларини тадқиқ этиш ва бир корпуста тўплаш зарурлигига алоҳида диққат қаратди. Бунинг учун дастлабки қадам сифатида Алишер Навоий қўлёзмаларининг Эрон кутубхоналаридаги қўлёзмаларини аниқлаш лозим бўлади. Аини вазифани ҳал қилиш учун эса ҳамкорликда фаолият олиб бориш зарур.



3-расм. А.Эркинов ва Қосим Ғариб (Машҳад Фирдавсий университети олдидан (2024 йил, февраль).

Мазкур маълумотлар биз учун жуда аҳамиятли. Сабаби биз Эрон кутубхоналаридаги Алишер Навоий қўлёзмалари ҳақида фақат қўлимизда мавжуд феҳрестлар ёки интернет воситасидагина маълумот олиб келганмиз, холос. Алишер Навоий халқаро жамоат фонди ташаббуси билан Эрон Ислом Республикасига амалга оширилган “Алишер Навоий изидан” номли халқаро илмий экспедициясининг сафари Навоий қўлёзмаларини айна мамлакатдан излаш ва аниқлаб каталоглаштириш ишларини давом эттириш катта натижаларга олиб келишини кўрсатди.

Демак, Алишер Навоий ва унинг бугунги Эрон заминидаги ўтмишдан бери давом этиб келаётган ўзига хос ўрни иккитарафлама илмий ва маданий ҳамкорлик натижасида яна бир бор намоён бўлади. Бунда Навоий асарлари қўлёзмалари мамлакатларимизни бирлаштиради ва Алишер Навоий ижодининг янги қирраларини очишга ёрдам беради.

* * *

2019–2022 йилларда Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази томонидан А-ВМ-2019-15 рақамли “Ўзбекистонга оид хорижда сақланаётган маданий бойликлар реестрини яратиш, нодир қўлёзма асарларнинг факсимилесини нашр этиш” мавзусидаги лойиҳа доирасида “Ўзбекистонга оид хориждаги қўлёзма асарлар реестри” китобининг уч жилди нашрга тайёрланди ва нашр этилди [Ўзбекистонга оид хориждаги, 2020; 2024]. Уларда юртимизда яшаб ўтган ўнлаб алломаларнинг хориждаги юзлаб қўлёзма асарлари рўйхати келтирилган. Жумладан, Навоийнинг Эрондаги 101 қўлёзма асарлари ҳақидаги маълумотлар ҳам. Тошкентда нашр этилган мазкур уч жилдга киритилган Алишер Навоий қўлёзмалари шоирнинг ҳозиргача бизга (Ўзбекистонда туриб) маълум бўлган қўлёзмалари ҳақида муайян маълумот берар деган ниятда куйида уларнинг шу реестр нашридаги тавсифини келтирамиз. (Фурсатдан фойдаланиб, мазкур реестрни тайёрлаш ва Алишер Навоий қўлёзмаларини аниқлаш ва тавсиф этишда ҳамкорлик қилган, юқорида номи тилга олинган лойиҳа иштирокчилари – фалсафа фанлари доктори проф.Роиқ Баҳодиров, тарих фанлари доктори Ўктам Султонов, тарих фанлари номзодлари Дилшод Расулов, Саидакбар Муҳаммадаминов, филология бўйича фалсафа фанлари доктори Ойсара Мадалиева, илмий ходимлар Санжар Ғуломов, Ирода Қаюмова, Филипп Хуснутдинова, Комила Бековаларга миннатдорчилик билдираман).

Реестрдаги маълумотлар хорижий каталог ва бошқа турли манбалардан олинган. Мазкур манбалардаги маълумотлар хорижда эканлиги ва уларнинг қай даражада тўғри эканлигини текшириш имкониятимиз чекланганлиги сабабли уларни олганимиз асл манба, яъни аслият нашридагидек келтирганмиз. Дейлик, Алишер Навоийнинг ҳар бир девони ўз номланишига эга ва бу номлар бизга яхши маълум. Бироқ, биз маълумот олган манбаларда баъзан Навоийнинг муайян девони қисқагина “Девон” сўзи остида келтириб қўя қолинган. Эҳтимол, бу қўлёзмани тавсифлаган олимнинг Навоий девонлари ва уларнинг номлари бўйича етарлича маълумоти бўлмаганидан келиб чиққан. Шу сабабдан бундай номларни нашрларда келтирилган кўринишида қолдирдик. Вақти келиб, ўша “девон” номланиши остида Алишер Навоийнинг айнан қайси девони назарда тутилганлиги маълум бўлар.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Давлатов О. Форс диёридаги нафис мажлислар // Jadid. 2024 yil, 10-son.
2. Махмудов У.А. Темурийлар даври муншаотнавислигида матн тузиш аънанаси (Абдуллоҳ Марворид тўплами мисолида) филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2022.
3. Сулейманов Х. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои. В трех томах. Диссертация доктора филологических наук. Том I-III. – Ташкент-Москва, 1955-1961.
4. Ўзбекистонга оид хориждаги қўлёзма асарлар реестри/ The Register of Manuscripts Located overseas concerning Uzbekistan's Cultural Heritage/ Реестр зарубежных рукописей, относящихся к Узбекистану. Том I-III. Нашрга тайёрловчилар Р.Баҳодиров, А.Эркинов,

- Ў.Султонов, Д.Расулов, С.Мухаммадинов, С.Фулломов, О.Мадалиева, И.Қаюмова, Ф.Хуснутдинов, К.Бекова. – Тошкент: Nashriyot uyi "TASVIR", 2020; 2024.
5. Эркинов А. “Алишер Навоий девонининг ноёб қўлёзмаси нашр этилади” (https://uza.uz/uz/posts/alisher-navoiy-devonining-noyob-qolyozmasi-nashr-etiladi_577671) (11.03.2024).
 6. Эркинов А. “Алишер Навоий девонининг яна бир қўлёзмаси ва унинг таркиби аниқланди” (https://uza.uz/uz/posts/alisher-navoiy-devonining-yana-bir-qolyozmasi-va-uning-tarkibi-aniqlandi_564877) (06.02.2024).
 7. Эркинов А. “Алишер Навоий қўлёзмалари бутунжаҳон феҳрести” // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2018 йил, 9 февраль, 7-сон. – Б. 1, 4;
 8. Эркинов А. “Алишер Навоий қўлёзмалари бутунжаҳон феҳрестини яратиш масаласи” // Alisher Navoiy. Xalqaro jurnal. 2022 йил, 1-қисм. – Б.29-35.
 9. Эркинов А. “Ноёб топилма: Навоийнинг 1501 йили кўчирилган “Терма девон”и ва унинг таркиби // “Алишер Навоий ва Шарқ Ренессанси” III халқаро симпозиум материаллари. – Тошкент: Javohir-ilm-nashr, 2024. – Б.688-720.
 10. Эркинов А. Алишер Навоий. Терма девон (1501 йил, май) Тадқиқот ва матн. – Тошкент: Turon-Iqbol, 2024.
 11. Boltabayev S. Navoiy devonining shoir hayotligida ko‘chirilgan yangi topilgan nusxasi haqida // Alisher navoiy va Sharq renessansi (xalqaro simpozium materiallari). – Toshkent, 2022. – B. 438-466.
 12. Aydin Ş. İran Kütüphaneleri Türkçe Yazmalar Kataloğu. – Istanbul: Timaş Yayinlari, 2008.
 13. Boltabayev S. Nevâî'nin türkçe divanlarinin en eski nüshalari // Trakya Üniversitesi Edebiyat Fakültesi Dergisi, Cilt: 13, Sayı: 25, Ocak 2023. – S. 111-123.
 14. Derayati Mostafa (ed.). Fehrestvoreye dastneveshthoye Iron (DENA) (The Short Catalogue of Iranian Manuscripts). 12 Jild. Tehran: Library, Museum and Documentation Center of The Islamic Consultative Assembly, 2010.
 15. Erkinov A. Alisher Navoiy devonlarining aniqlangan yangi nusxalari (2010–2024-yillar) // “Alisher Navoiy va XXI asr” mavzusidagi 9-uluslararo konferansi materiallari. 2024-yil, 8-fevral. – Toshkent–Bursa, 2024. – B. 348-355.
 16. Izzatillaev P. Eron navoiyshunosligi: tadqiq, talqin va tarjima. Filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi. – Toshkent, 2023.
 17. Madaliyeva O. Alisher Navoiy “Badoyi’ ul-bidoya” devonining Mashhad qo‘lyozmasi // Oltin bitiklar. – Toshkent, 2022 yil. 4-son. – B. 4-19.

ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALI

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ АЛИШЕР НАВОИЙ
INTERNATIONAL JOURNAL ALISHER NAVOIY

“ALISHER NAVOIY” XALQARO JURNALINING AXBOROT XATI

“Alisher Navoiy” xalqaro jurnali O‘zbekiston Respublikasi OAK ro‘yxatiga kiritilgan. Shuningdek, Crossref.org tizimiga ham kiritiladi hamda har bir maqolaga DOI raqami beriladi.

MAQOLALARGA QO‘YILADIGAN TALABLAR:

- Maqola 10-15 sahifa hajmida taqdim etiladi;
- maqolalar o‘zbek, turk, tojik, rus, ingliz, fransuz tillarida qabul qilinadi;
- maqolaning tarkibiy tuzilishi IMRAD formatida rasmiylashtirilishi kerak;
- maqola Times News Roman shriftida, 12 kattalikda, 1 intervalda tayyorlanadi;
- havola(snokalar)lar katta qavsda muallif familiyasi – nashr sanasi – sahifasi [Mo‘minov 2020: 25] shaklida keltiriladi;
- maqola tomonlari chap: 2 sm, o‘ng: 2 sm, yuqori va quyi: 2 sm;
- maqolalar plagiatga qarshi tekshiriladi;
- jurnalning 1 ta sonida muallifning faqat 1 ta maqolasi chop etiladi.

MUROJAAT UCHUN MANZIL:
Tel.: +99891 527 68 22
Telegram ID: +998915276822
E-mail: alishernavoiy2020@mail.ru

ИНФОРМАЦИОННОЕ ПИСЬМО МЕЖДУНАРОДНОГО ЖУРНАЛА “АЛИШЕР НАВОИЙ”

Международный журнал “Алишер Навоий” включен в список ВАК Республики Узбекистан. Он также будет включен в систему Crossref.org, и каждой статье будет присвоен номер DOI.

ТРЕБОВАНИЯ К ОФОРМЛЕНИЮ СТАТЕЙ:

- Объем статьи: около 10-15 страниц;
- статьи принимаются на узбекском, турецком, таджикском, русском, английском и французском языках;
- структура статьи должна быть оформлена в формате IMRAD;
- шрифт текста – Times New Roman; размер – 12 пунктов; межстрочный интервал – 1;
- сноски приводятся в квадратных скобках с указанием фамилии автора – года издания – страницы [Мўминов 2020: 25];
- параметры страницы: слева 2 см, справа 2 см, сверху и снизу по 2 см;
- статьи проверяются на плагиат;
- в одном номере журнала публикуется только 1 статья автора.

НАШИ КОНТАКТЫ:
Тел.: +99891 527 68 22
Telegram ID: +998915276822
E-mail: alishernavoiy2020@mail.ru

“ALISHER NAVOIY” INTERNATIONAL JOURNAL INFORMATION LETTER

“Alisher Navoiy” International Journal is included in the list of HAC of the Republic of Uzbekistan. It will also be included in the Crossref.org system, and each article will be assigned a DOI number.

REQUIREMENTS FOR ARTICLES:

- The article should be presented in 10-15 pages;
- articles are accepted in Uzbek, Turkish, Tajik, Russian, English, French;
- the structure of the article should be in the IMRAD format.
- the article should be prepared in Times New Roman font, 12 sizes, 1 space;
- references are given in parentheses in the form of the author’s name – date of publication - page [Muminov 2020: 25];
- sides of the article left: 2 cm, right: 2 cm, top and bottom: 2 cm;
- articles will be checked against plagiarism.
- only 1 article by the author is published in 1 issue of the journal.

CONTACT ADDRESS:
Phone: +99891 527 68 22
Telegram ID: +998915276822
E-mail: alishernavoiy2020@mail.ru